



ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ – МИЛЛИЙ ДЕМОКРАТИЯНИНГ РИВОЖИ СИФАТИДА

Жуманиёзов Мунисбек Озодович.

ТДТрУ «Темир йўл муҳандислиги» кафедраси магистр талабаси.

Электрон адрес: munisbekjumaniyazov03@gmail.com

Телефон: +99891 772 55 11

Ўзбекистоннинг ўз мустақиллигига эришиши, халқимизнинг ижтимоий адолат, миллий қадрият, инсонпарварлик ва эзгулик тамойилларига асосланган, юксак маънавият ва маърифатли жамият қуриш имконияти пайдо бўлди. Мамлакатимизда олиб борилган сиёсий ислохотларнинг замирида фуқаролик жамияти қуриш, фуқароларни ўзини-ўзи бошқаришга қаратилган сиёсий институт барпо этиш зарурати мавжуд эди.

Аввало, “фуқаролик жамияти” тушунчасига, унга фалсафий, сиёсий-ижтимоий қарашлар ҳақида қисқача тўхталиб ўтишга тўғри келади. Чунки, фуқаролик жамиятига доир илк тадқиқотлар кўп асрлар олдин бошланганига қарамасадан, мазкур тушунча муайян даражада шартлилиги ва уни ифодалашдаги хилма-хиллиги бизнинг кунларимизгача сақланиб келмоқда. Сабаби, инсон ҳеч бир вақт эришилган ютуқ, натижа, кашфиёт билан чекланиб қолмаган, у объектив воқелик таъсирида янги-янги ёндашувларга эҳтиёж сезиб яшайди.

“Фуқаролик жамияти” категорияси инсоният тараққиётининг ҳар бир даврида мутафаккирларнинг ақл-идроки, эркинлик, фаравонлик адолат ҳукм сурадиган идеал ижтимоий тузум моделини яратиш йўлидаги интилишлари билан тавсифланадиган алоҳида бир воқеликни акс эттиради. Фуқаролик жамияти тарихан идеал модел бўлиб келган ва уни мутафаккирлар тавсифлашга интилишган.

Жамият ҳеч қачон ўз-ўзича шаклланмаган, уни ҳар доим инсон йўналтириб борган. Фуқаро - бу сиёсатчи ёки жамоат арбоби функциясини



ихтиёрий равишда ўз зиммасига олган, барча муҳим ижтимоий масалаларни муҳокама қилиш ва ҳал этишда эркин ҳолда, бошқалар билан биргаликда иштирок этадиган, нафақат хусусий, балки жамоа манфаатларини кўзлаб яшовчи кишидир. Эркин, ўз ҳуқуқ ва бурчларини идрок этадиган, уларни манфаатлари билан мувофиқлаштириб яшайдиган озод кишилар фуқаролик жамиятининг негизидир. Улар биладики халқда бир яхши нақл бор – “сен сиёсат билан шуғулланмасанг, эртами кечми сиёсат албатта сен билан шуғулланади”.

Фуқаролик жамияти фуқароларнинг, ихтиёрий нодавлат институтларининг ва нодавлат муносабатларининг мажмуидир. Шундан келиб чиққан ҳолда, фуқаролик жамиятининг сиёсий-фалсафий ва ижтимоий-ҳуқуқий хусусиятларини қуйидагиларда акс этади:

- Жамият фаолияти ва тараққиётининг хусусий мулкчилик, тадбиркорлик, ишбилармонлик фаолияти билан уйғунлигини;
- Барча мулк шакллари раванқ топишининг давлат, қонун томонидан кафолатланиши. Мулкчилик муносабатларида плюралистик қарашларни шакллантириш;
- Фуқароларнинг ҳуқуқий тенглиги, қонун устуворлиги, суд тизимининг фуқаролар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш институтига айланиши;
- Фуқароларнинг шахсий ҳаётига давлат томонидан ноқонуний аралашуви ёки асоссиз тазйиқ ўтказишини чеклаш;
- Давлат ҳокимияти бошқарув тизимида шахснинг мулкӣ ва иқтисодий мустақиллиги;
- Давлат, давлат институтлари ва фуқаролар ҳуқуқининг тенг субъект сифатида тан олган ҳолда, фуқаролар ҳуқуқларининг кафолатлаш ва қонун устуворлигини таъминловчи механизмни мавжудлиги;
- Фуқароларнинг ижтимоий институтларни шаклланганлиги ва уларнинг тўлақонли фаолият юритиши;
- Жамиятда юксак маънавият-маданий муҳит шаклланганлиги, инсон қадри, шаъни олий қадрият сифатида тан олинishi.



Ушбу хусусиятлар мутлақ идеал ёки ижтимоий-утопик қарашлар махсули эмас, мустақиллик йилларида давлатимиз белгилаб олган стратегик мақсад, тамойиллар уларни реал воқеликка айлантириш кафолатлари бўлиб хизмат қилмоқда. Амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий ислохотларнинг кучли давлат барпо этиш ва кучли давлат таркибида кучли жамиятни шакллантиришга қаратилгани фуқаролик жамиятини реал воқеликка айлантирмоқда. Демак, жамият тенг ҳуқуқли, эркин ва фаровон ҳаёт, ҳар бир фуқаронинг мулкчилик муносабатга кириши, ўз манфаатларини қонуний тарзда ҳимоя эта олиш имконияти яратилиши, маънавий ва маданий муҳит яратиб беришилиши билан муҳимдир. Ушбу жамиятни барпо этишнинг шарти эса кучли демократик давлат барпо этишдир.

Жамият давлатнинг мақомини белгилайди. Шундай экан, фуқаролик жамиятини шакллантирган ҳуқуқий давлат фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий ва диний эҳтиёжларини қондирувчи, ҳуқуқларини ҳимоя қилган ҳолда, орзу-мақсадларини рўёбга чиқаришда юридик жиҳатдан кафоланган институт сифатида катта саҳнага чиқиши лозим.

Жамият ва давлатнинг ўртасидаги боғлиқлик инсон ва инсон қадри тушунчасига нисбатан бўлган муносабатлари билан белгиланади. Жамият ва давлат камдан-кам жавҳаларда инсон ва унинг қадри муаммосида айна бир яқдилликда бўлишади. Асосан бундай ҳолат фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлатда акс этади. Ҳуқуқий давлатнинг асосий воситаси қонун ва демократия ҳисобланиб, уларнинг иккаласи ҳам халқ манфаатлари учун олиб бориладиган сиёсий усул ва воситалар ҳисобланади. Қонун ҳам демократия ҳам аҳолини давлатга бўлган ишончини ошириб, фуқаролик жамиятини ўзаги ташкил этади. Фуқароларнинг ҳуқуқлари тенглигини таъминлаш, нафақат фуқаролик жамиятининг белгиси, балки ҳуқуқий демократик давлатнинг рамзи ҳамдир. Зеро, ҳуқуқий демократик давлат қошидаги ҳокимиятларнинг (қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд) тизимли тарзда бир-бирини тақазо этиб бориши, қонун олдида барча фуқароларнинг тенглигини кўрсатувчи воситадир. Фуқароларнинг давлат томонидан чиқарилаётган қонун ва



қарорлардан бевосита хабардор бўлиши, қонунларни қабул қилинишида уларнинг иштироки таъминланиши, мавжуд қонунларни бузилиши оқибатида белгиданган жазо турлари тайинланишидаги иштироки ва назорати ҳуқуқий демократик давлатнинг ўз фуқаролари олдидаги шаффоф сиёсий фаолиятдан дарак бериб туради.

Фуқаролик жамияти шаклланиши

Фуқаролик жамияти ва демократик ҳуқуқий давлат қуриш концепцияси нуқтаи назаридан қараганда давлат ва жамиятнинг инсон фаолиятига нисбатан роли:

- инсонни ижтимоий-сиёсий ҳамда маънавий-маданий меъёрларга итоат эттириш, унинг фаолияти ва хатти-ҳаракатларини ижтимоийлаштириш;
- Фуқароларнинг интилишларига, саъй-ҳаракатларига рационаллик, англашарлик, уюшқоқликни ташкил этиш;
- инсон манфаатлари ва иродасининг ранг-баранглигини сақлаб қолган ҳолда уни умумий иродага, қонунларга бўйсунитишни таъминлаш;

ҚўЛЛанилган адабиётлар рўйхати.

1. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон Тараққиёт стратегияси. “Ўзбекистон”, Тошкент, 2022 йил,
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат олий таълим муассасаларига молиявий мустақиллик бериш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-61 сонли Қарори. 2021 йил 24 декабрь.
3. Ш.Мирзиёев. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2017 й.
4. Кушаков Файзулла Абдуллаевич (2022). Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 2 (10-2), 875-880.
5. Файзулла Абдуллаевич Кушаков (2022). Academic research in educational sciences, 3 (10), 365-371.
6. Файзулла Абдуллаевич Кушаков, & Қымбат Қанагатовна Назарова (2022). ТЕХНИКА ИНҚИЛОБИНИНГ ИНСОН ТАФАККУРИГА ТАЪСИРИ. Academic research in educational sciences, 3 (10), 360-364.



7. Файзулла Абдуллаевич Кушаков, & Бекслан Мирзараҳим Ўғли Хакимов (2022). ТЕХНИКА ФАЛСАФАСИНИ ИНСОН ВА ЖАМИЯТ ҲАЁТИДАГИ ЎРНИ. Academic research in educational sciences, 3 (Special Issue 2), 172-177.